Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 131 (6. 830) ◉ 1989 йил 8 июнь, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

СССР халқ депутатлари съездининг иши тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1989 йил 7 июнь соат 16 да Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида СССР халқ депутатлари съездининг навбатдаги мажлиси бўлди.

М. С. Горбачев раислик қилди.

Н. И. Рижков «СССР ҳукуматининг бўлажак фаолияти программаси тўғрисида» доклад қилди.

Шу билан кечки мажлис тугади.

Бугун — 8 июнда съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

СССР Олий Советининг иши тўғрисида информацион билдириш

1989 йил 7 июнь эрталаб соат 10 да СССР Олий Советининг мажлислар залида Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг мажлиси очилди.

М. С. Горбачев раислик қилди.

Депутатлар СССР Министрлар Советининг СССР Олий Совети олдида ўз ваколатларини соқит қилиш тўғрисидаги аризасини маълумот учун қабул қилдилар.

СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев СССР Конституциясига мувофиқ Н. И. Рижковни ССР Иттифоқи ҳукуматининг бошлиғи лавозимига тайинлаш тўғрисида таклиф киритди.

СССР Олий Совети Н. И. Рижковни СССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди ва унга СССР ҳукуматининг состави тўғрисидаги таклифларни СССР Олий Советига тақдим этишни топширди.

СССР Олий Совети ҳозирги составдаги СССР Министрлар Советига ССР Иттифоқининг янги ҳукумати тузилгунга қадар ўз фаолиятини давом эттиришни топширди.

СССР Олий Совети Г. В. Колбинни СССР Халқ контроли комитетининг раиси, Е. А. Смоленцевни СССР Олий судининг Раиси этиб сайлади, А. Я. Сухаревни СССРнинг Бош прокурори ва Ю. Г. Матвеевни Давлат Бош арбитри этиб тайинлади.

Мажлисда СССР Олий Советининг комитетлари ташкил этилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ АРИЗАСИ ЮЗАСИДАН ҚАРОРИ

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССР Министрлар Советининг СССР Олий Совети олдида ўз ваколатларини соқит қилиш тўғрисидаги аризаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўртоқ Николай Иванович Рижков СССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлансин ва унга СССР Министрлар Советининг состави тўғрисидаги таклифларни СССР Олий Советига тақдим этиш топширилсин.

3. СССР Олий Совети янги СССР Министрлар Советини тузгунга қадар СССР Министрлар Совети ўз вазифаларини бажаришни давом эттирсин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Геннадий Васильевич **Колбин** СССР Халқ контроли комитетининг раиси этиб сайлансин.

Сайловчилар фикрлари

Мулоҳазалар, таклифлар

◉ Қайта қуриш шабадаси мамлакатимизни қамраб олган сайин жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Съезднинг ишини кузатар экансиз, унда сўзга чиқаётган депутатлар ўз корхона, заводларидаги барча камчиликларни рўй-рост фош қилишмоқда. Уларга ҳавас қиласан, киши.

Биз тўқувчи Дилбар Қосимованинг сўзга чиқишини кутмоқдамиз. Чунки, тўқимачилик комбинатида муаммолар жуда кўп. Бирпина совутиш станцияси 1987 йилда иш бошлаган эди, ҳануз аччиқ ичакдек чўзилмоқда, резина-тасма ишлаб чиқарувчи участкадаги ишчиларга шарт-шароит ёмонлиги, маош камлиги, уй-жой етишмаслиги, эҳ-ҳе санайёрсак— муаммо бир дунё. Азиз депутатлар, вақтни бой берманг. Дилдаги гапларни айтинг. Ахир халқнинг кўзи бугун сизда. Буни унутманг.

Б. ОРИПОВ,

«Тўқимачилар овози» газетасининг ходими.

◉ Минбарга чиқаётган вакилларимизнинг мазмунли, долзарб таклифлари қувонарли. Бу албатта, келгусига умид бағишлашга ундайди. Лекин бу гаплар, мунозаралар ўша ернинг ўзида қолиб кетмаса, деб ўйлайман. Ҳаётга тадбиқ этилиб, турмушимиз билан уйғунлашиб кетса нур устига аъло нур бўларди.

Ж. ИСРОИЛОВА,

22-ўрта мактаб ўқитувчиси.

«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси сўнгги йилларда харидорлар эҳтиёжини ўрганиб, янги маҳсулотлар тайёрлашга муваффақ бўляпти. Александра Шин мазкур бирлашмада иш бошлаганига эндигина икки йил бўлди. Бугунги кунда ёш ишчи ўз вазифаларини бекаму кўст адо этиб, мебелларнинг сифатли бўлишига ҳисса қўшяпти.

СУРАТДА: А. Шин.

Т. Каримов фотоси.

Қўл-ла созлаб бўлмайди тиклаган ҳайкалимни...

Ўзбек совет адабиёти классиги Ойбекдан сўнг шоир Мирза Кенжабоев «Евгений Онегин» шеърий романини қайтадан таржима қилди. А. С. Пушкин туғилган куннинг 190 йиллиги шарафига 6 июнь куни Ўзбекистон пойтахтида бўлган танталарда ана шу асардан парчалар янгради. Бундан ўн беш йил муқаддам шоир номи билан аталувчи майдонда ўрнатилган буюк сўз устаси ҳайкали олдида шеърият байрами бўлиб ўтди. Ўшандан бери ҳар йили июнь ойида бу ерга Пушкин истеъдодининг ихлосмандлари келадилар. Унинг хотирасини ҳурмат билан ёдга оладилар, улуғвор ҳайкал пойига гуллар қўядилар.

— Бу гал ҳам буюк шоир асарлари, шунингдек, унга бағишланган шеърлар турли тилларда янгради. Уларни шоирлардан М. Кенжабоев, М. Маҳмудов, Р. Фарҳодий, Н. Стрижковлар ўқиб беришди,—деб таъкидлайди ЎзТАГ мухбири Э. Тухватуллина.

— Пушкиннинг таржима мероси қайта қуриш даврида янгича мушоҳада этилмоқда, — деди ўз нутқида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла. — Маълумки, шоирнинг дастлабки асарлари ўзбек тилида юз йил муқаддам янграган эди. Рус даҳосининг шеърияти билан Туркистон аҳолисини ўзбек зиёлиларининг илғор вакиллари Фурқат, Ҳамза, Авлоний, А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон таништирган эдилар. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Миртемир, М. Шайхзода бу хайрли ишга катта ҳисса қўшдилар. Бугунги кунда янги авлод ҳам буюк рус шоирининг адабий меросига мурожаат этаётганлиги қувончлидир.

Репрессия қилинган шоирлар Чўлпон, Усмон Носир, Элбекларнинг ҳали кам маълум бўлган таржималарини илмий жиҳатдан тадқиқ этадиган давр келганлиги, шунингдек, Пушкин ижодини республикада ўрганишни кенгайтириш ҳақида фикрлар айтилди. Бу эса ўзбек ва рус маданияти янада кўпроқ яқинлашишига кўмаклашади.

Бу йил Анна Ахматова туғилган куннинг юз йиллиги юбилейи нишонланади. Пушкинга бағишланган тантанага тўпланган кишилар шоира қаламига мансуб шеърни эслаганликлари рамзий маъно касб этди. Дарвоқе, Анна Ахматова бу шеърни Тошкент диёрида, 1943 йилнинг 7 мартида ёзган эди. Уруш йиллари тўс-тўполонида Нева соҳилларидан ўзбек диёрига келиб қолган шоирани ана шу ўлка буюк даҳога бағишланган шеърни ёзишга илҳомлантирган эди.

Бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам ажойиб рус шоири хотирасини ҳурмат билан эслайдилар. Студентлар ва ёшлар аудиторияларида пушкиншунослик бошланди. Тошкентдаги 15-махсус ҳунар-техника билим юртида адабий-музикали кеча тайёрланди. Низомий номли педагогика институтида ўтказилган Пушкин шеърияти байрамига республика адибларини таклиф этишди. Маданият фонди Ўзбекистон республика бўлимининг ташаббуси билан бундан юз йил муқаддам Туркистон ўлкасида ташкил этилган «Пушкин жамияти» қайтадан тикланмоқда.

Фарғонада кескин вазият

Фарғонада одамлар кам кўринади. Кимсасиз кўчалардан баъзан машинаҳар ўтиб қолади. Чорраҳаларда бронетранспортерлар турибди, шаҳар устида вертолёт учиб юрибди. Ташқаридан қараганда осойишталик.

Лекин бу сукунат алдамчи. 23 май куни Қувасойда чиққан учқун ўчгани йўқ, аксинча июннинг бошларида нафрат алангасига айланди. Туб аҳоли билан месхети турклари ўртасидаги тўқнашув ўркалтакка айланиб кетди. 5 июнгача бўлган дастлабки маълумотларга қараганда 56 киши нобуд бўлди, кимдир тош бўрон қилинди, кимларнидир ўт қўйилган уйлари босиб қолди... Ҳалок бўлганлар орасида хотин-қизлар ва болалар ҳам эмас. 400 дан ортиқ уй, 116 транспорт воситаси, саккизта саноат корхонаси, бир неча мактаб ва муассасага ўт қўйилди ва вайрон қилинди. 650 дан ортиқ киши жароҳатланди.

Тартибсизлик фақат область марказида юз берганн йўқ. Бундай воқеалар Тошлоқда, Марғилонда, Комсомольск посёлкасида содир бўлди. Месхети турклари яшайдиган районлар қуршаб олинди. У ерда комендантлик соати жорий этилди. Митинглар, намойишлар ўтказиш, уйда милтиқ сақлаш тақиқланди. Булар қаттиқ, лекин зарур чоралардир. Ўтган кечаси шаҳарнинг бир неча районларида милтиқ товуши эшитилиб турди.

Фожианинг сабаби нимада, унда ким айбдор? Мен кўп кишиларга: месхети турклари, ўзбекларга, русларга, татарларга ана шундай савол бердим. Бу саволларга бир хил жавоб йўқ. Бундай жавобни тергов органлари бериши керак. Лекин бир нарса равшан: маҳаллий ҳокимият вазиятни бой бериб қўйди. Ўзи мустақил равишда вазиятни бошқара олмади. Чамаси бу ерда май ойида Қувасойда бўлиб ўтган воқеаларга аҳамият беришмаган. Ҳозирги фожиа бунинг ачинарли оқибатидир. Спиртли ичимликлар ичган ва наша ҳамда қорадори истеъмол қилган 16—20 яшар йигитлар ўйламай-нетмай вахшийларча ҳаракат қилдилар.

Маҳаллий ҳокимият, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари, бу ерга етиб келган ички қўшинлар бўлинмалари месхети турклари учун шаҳар четида муваққат лагерь барпо этдилар. Чўлда жазирама иссиқда бир неча минг киши яшамоқда. Шароит жуда оғир: ухлашга жой, дори-дармонлар, болалар кийимлари етишмайди, аммо энг муҳими, хавфсизлик гарантиялланган. Қочоқлар текин овқат билан таъминланган.

— Биз шошилинч чоралар кўриб, Фарғона областига 500 тонна гўшт, 500 тонна сарёғ, 120 тонна шакар-қанд, бир неча минг банка консерва келтирдик, — деди Ўзбекистон ССР савдо министрининг ўринбосари К. Комилова ЎзТАГ махсус мухбирига. — Бу маҳсулотларнинг бир қисмини бизга марказдан ажратиб беришди. Месхети турклари яшаётган муваққат лагерга янги сут маҳсулотлари келтирилмоқда.

...Мен қочоқлар (бундан бошқача аташ мумкинми) лагерида кўрган аҳволни бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Фожиани бошидан кечирган одамлар янги газета олиб келган почта машинасини ағдариб юборишларига сал қолди. Кексалар ҳам, энди ғижжалаб ўқишни ўрганган 6 яшар болалар ҳам Фарғона областидаги воқеалар ёзилган қисқа сатрларга тикилишарди. Лекин бу сатрларда уларни қаяжонга солаётган саволга жавоб йўқ. Ҳозир бундай жавобни топиб бўлармиди?

Фожиали воқеалар ҳақида ўнлаб-юзлаб одамлар гапириб беришди. Мен куйган юзларни ва ўқ теккан қўлларни, эркакларнинг кўз ёшларини, фарзандларидан жудо бўлган оналарнинг кўзларидаги тоқат қилиб бўлмайдиган ғам-ғуссани кўрдим. Бу даҳшат. Улар учун ҳозир қуролли солдатлардан меҳрибон одам йўқ. Ҳамма шу ҳақда гапирмоқда.

Фарғона областидаги вазиятни барқарорлаштириш ҳозирги вақтда ҳаётий заруратдир. Иккала томон ҳам шундай деб ҳисоблайди. Аммо, афсуски, амалда аҳиллик йўқ. СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг бошлиғи генерал-полковник Ю. Шаталин Фарғонага келди. Ўзбекистон ССР ички ишлар министри У. Раҳимов Фарғона областининг коменданти қилиб тайинланди. Тергов группаси иш бошлади. Тартибсизлик чиқаришда айбдор бўлган юздан ортиқ киши қўлга олинди.

— Вазият кескинлигича турибди, — дейди ҳукумат комиссиясининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров. — Вазиятни нормаллаштириш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда.

Районлар йўқламаси:

КИРОВ

◉ КИРОВ РАЙОНИ пойтахтимиздаги энг кекса районлардан бири бўлиб, 1936 йилда ташкил топган. Интернационал ҳамдўстлик ошласида ўзбек, рус, қозоқ, яҳудий, латиш каби 51 миллат вакиллари аҳил яшамоқдалар.

Районда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, асбобсозлик заводи, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси каби саккизта саноат корхонаси мавжуд. Кейинги йиллар мобайнида уларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 23 процентга кўпайди, унумдорлик ҳам ўсди. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 1988 йил якунларига кўра Бутуниттифоқ социалистик мусобақа ғолиби бўлиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Райондаги 41 та умумтаълим мактабларида 48070 ўқувчи таълим олмоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳисобида 12 мингга яқин коммунист турибди. Турли жабҳаларда меҳнат қилаётган коммунистларнинг учдан бири аёллардир.

Муваффақият омили— ижодий муҳит

КЕЙИНГИ йилларда меҳнаткашларнинг яшаш тарзи, коллективдаги ўрни, меҳнатга муносабати сезиларли даражада ўзгарди. Улар ўз корхоналари, турар жойларда рўй бераётган воқеаларга бефарқ эмас. Муаммолар ҳамжиҳатлик билан ҳал қилинаётгани сабабли қийинчиликлар ўз вақтида бартараф этилмоқда.

Йил бошидан деярли барча корхоналаримиз ўзини ўзи бошқариш ва маблағ билан таъминлаш системасига ўтиб ишлямоқда. Иқтисодий ислоҳот амалга оширилаётир. Партия ташкилотлари белгиланган вазифаларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаб, коммунистлар авангардлигига эришаётган бўлса, бу коллективларда ишлар анча олдинга силжимоқда. Бунга мисол тариқасида «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасини келтириш мумкин. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби бўлган технологчилар 4 ой давомида маҳсулот ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31 процентга оширдилар. Янгича шароитда ишлаётган бошқа корхоналарда ҳам шундай муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

XXVI шаҳар партия конференциясида ёшлар билан ишлаш, уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, маънавий оламини бойитиш муҳим эканлиги таъкидланди. Биз бу вазифага янгича ёндошаяпмиз. Район комсомол ташкилоти, ҳарбий комиссариат, спорт комитети, маориф бўлими ва қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорликда иш олиб бораётгани яхши самара бераяпти. Ёшлар тарбиясидаги барча муаммолар ҳарбий-ватанпарварлик ҳамда ижодий клублар орқали ҳал қилинмоқда.

Районда 15 нафар интернационалчижангчи хотирасига музей очилди. Бу ерга уларнинг шахсий буюмлари, қурол-аслаҳалари, жанг лавҳалари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар қўйилган.

Бугунги кунда ҳар бир киши ўзининг ишга, жамиятга муносабатини қайта қуриши, янгича тафаккурни ишлаб чиқиши муҳимдир. Шу маънода партия ва комсомол ўқуви, иқтисодий таълим системасидаги машғулотлар самарадорлиги муайян мақсадни кўзлаб оширилмоқда. Биз биринчилардан бўлиб сиёсий ўқувни эксперимент тарзда ташкил этдик. Айни пайтда жойларда 510 та мактаб ва семинар ўтиладиган группалар ишлаб турибди. Уларда ўқишнинг жонли, амалий ўтишига, тингловчиларни ошкора суҳбатга чорлашга эришилаяпти.

Аммо ҳали бу ишда талайгина камчиликлар ҳам бор. Айрим пропагандистларимиз марксизм-ленинизм назарияларини бўш ўзлаштиришган, ўз устларида ишлашмайди. Лекцияларда баъзан оммавий ахборот воситалари орқали маълум бўлган гаплар қайтарилаётганидан тингловчилар зерикиб қолишаяпти. Область китоб савдоси бошқармаси, 2505-автоколонна, 8-автопарк, 12-поликлиника бошланғич партия ташкилотлари сиёсий ўқувнинг жонли ўтишига эришмаяптилар.

Лекция пропагандаси таъсирчанлигини ошириш чоралари ҳам кўрилмоқда. «Билим» жамияти лекторларини аттестациядан ўтказганимизда 174 киши бу вазифага нолойиқ бўлиб чиқди.

Одамларга, жонли ишга эътиборгина кўзланган самара беради. Ҳар бир меҳнат коллективида ижодий муҳитни юзага келтиришни ўз вазифамиз, деб билмоқдамиз. Лекин идеологик ишда бир қолиплик, расмиятчиликдан воз кечиш осон бўлмаяпти. Шунинг учун идеологик иш таъсирчанлигини кучайтириш чораларини кўряпмиз.

Х. ЖУМАЕВ,

Киров район партия комитетининг секретари.

Катта анжуман олдидан

Бир ярим мингдан кўпроқ йирик совет ва чет эл олимлари ҳамда мутахассислари сентябрь ойида Тошкентга— умумий ва амалий химия бўйича XIV Менделеев съездига тўпланадилар. Ваколатли анжуманга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика ташкилот комитетининг 7 июнда бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда гапирилди.

Тайёргарлик тадбирларининг плани муҳокама қилинди. Съезднинг ялпи мажлиси ва секция мажлислари СССР Халқлар дўстлиги саройида, Кино уйида ва Тошкентнинг бошқа залларида ўтиши таъкидланди. Съезд химия фанини ривожлантиришнинг, халқ хўжалигида ҳозирги замон химиясидан самарали фойдаланишнинг долзарб муаммоларига бағишланади.

ЖАҲОН ЧИҚИДА

НЬЮ-ЙОРК. Белоруссия ССР, Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Украина ССР, СССР ва Чехословакиянинг БМТдаги делегациялари бутун жаҳон ҳамжамияти ҳаракатларининг жаҳон экономикаси объектив тенденцияларига, жаҳон ишлаб чиқариши ва савдосидаги чуқур структура ўзгаришларига, Жануб, Шимол, Ғарб ва Шарқ давлатларининг савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий муносабатларнинг барча соҳаларидаги манфаатларини уйғун қўшиб олиб боришга асосланган балансли ва пухта текширилган программасини қабул қилишга чақирдилар.

ЯУНДЕ. Миллий бирдамлик ва интизомни мустаҳкамлаш, фидокорона ва самарали меҳнат қилиш маънавий даражани ошириш — Камерун республикасини иқтисодий тангликдан олиб чиқишнинг, ҳаётга лаёқатли ва кучли давлатни барпо этишнинг зарур шартларидир. Камерун миллат мажлиси (парламенти) оқсоқоли Антуан Логмо Нимб шу ҳақда гапирди.

ЛУСАКА. «Мозамбик қаршилик ҳаракати» (МҚҲ) деб аталган ташкилот террорчилари Замбия территориясида яна жиноят қилдилар. Замбия мудофаа ва хавфсизлик масалалари давлат секретари Алекс Шапи Лусакада айтишича, каллакесарлар Мозамбик билан чегарадош Петауке районига суқилиб кириб, Мушава ва Катакве қишлоқларини ўққа тутдилар.

ТОКИО. Японияннинг Нагано шаҳри 1998 йил Қишки олимпиада ўйинларини ўтказишга расмий даъвогар бўлди. Мамлакат ҳукуматининг мажлисида ана шу шаҳар номзоди тасдиқланди.

Футбол

Кеча футбол бўйича СССР биринчилигининг 1-лигасида 14-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Пахтакорчилар ўз майдонида Ростовнинг АСК коллективини қабул қилишди. Командамизнинг тўла устунлигида ўтган ўйин 3:0 ҳисобида якунланди. Тўпларни Денисов, Селимов ва Қосимовлар киритишди.

Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якунланди: «Динамо» (Бт) — «Нефтчи» — 2:1, «Кубань» — «Спартак» — 3:2, «Қайрат» — «Металлург» — 2:1, «Геолог» — «Котайк» — 1:0, «Шинник» — «Торпедо» — 2:2, «Факел» — «Карпати» АСК — 2:1, «Ростсельмаш» — «Даугава» — 2:1, «Кузбасс» — МАСК — 0:0.

Долзарб мавзуда суҳбат

Зовурларни тозалаш муаммоси

Ёз бошланиши билан Ўзбекистонда юзаки қараганда ғалати вазият пайдо бўлди. Республикада деярли ярим миллион гектар ерни шошилинч равишда мелиоратив жиҳатдан яхшилаш талаб қилинади. Аммо кўпгина регионларда бу иш амалда тўхтатиб қўйилди. Қудратли техника ва юзлаб мутахассислар бир неча ойдан буён бекор турибди.

Бундай аҳволнинг сабаби нимада ва уларни қандай тугатиш мумкин, республика ер фондини тезроқ ва самаралироқ соғломлаштиришга яна нималар халақит бермоқда — ЎзТАГ мухбири «Узспецводдренаж» трестининг бошқарувчиси В. В. Казачков билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Виталий Васильевич, бу узилиш сиз учун унча кутилмаган воқеа эмас, мелиораторлар иши билан таниш кишилар деҳқонлар ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш билан шуғулланишга одатда мавсум оралиғида — ноябрь—март ойларида рухсат беришини биладилар. Ҳамиша шундай бўлиб келган. Аммо илгари сув хўжалиги ходимлари қолган вақтда бемалол янги ерларни ўзлаштирган бўлсалар, ҳозирги вақтда уларнинг бутун кучлари эскитдан фойдаланиб келинаётган ерларни тиклашга сарфланиши керак. Наҳотки, ҳеч нарса ўзгармаган бўлса!

— Аҳволни ўзингиз кўриб турибсиз... Ҳамма областларда трестимизнинг механизациялашган кўчма колоннаси бор. Деярли барча областлардан ишлаш учун имконият йўқ, деган ташвишли хабарлар келмоқда. Бунинг устига ҳатто келгуси йилга ҳам буюртмачиларни топиш қийин бўлаяпти. Бунинг бир неча сабаби бор.

Энг аввало, мелиоратив жиҳатдан носоз ерларни ажратиб бериш муаммоси ҳал қилинмай қолмоқда. Бир томондан республикада қадимдан экин экиб келинадиган ерларни даволашнинг катта программаси белгиланган бўлса, иккинчи томондан, жойларда ҳукумат қарорларининг бажарилишига тўсқинлик қилинмоқда. Кўпгина областларда даволаш лозим бўлган пайкаллар кўрсатилган харита ҳам йўқ. Хўжаликларда эса бизни далага ҳам чиқаришмаяпти.

Деҳқонларни маълум даражада тушуниш мумкин: хўжаликларда мелиораторларнинг ишлари белгиланар экан, ана шу хўжаликлар учун одатда маҳсулот тайёрлаш плани камайтирилмайди, шу сабабли улар далаларни мелиораторларга ажратиб беришни хоҳламаяптилар. Ҳозир эса яна бир баҳона топилди: ер ижарачиларга топширилган, ижарачилар эса ерни бўшатиб беришмайди.

Хўш нима қилиш керак? Аввало шошилинч равишда зовур қазилиши зарур бўлган ерларни аниқ белгилаб қўйиш ва бу ерларни бир йилга оборотдан чиқариб қўйиш керак. Акс ҳолда ана шу пайкаллардан бутунлай маҳрум бўламиз. Хўжаликларнинг ходимлари ҳам буни тушуниб олишлари лозим. Ерни шўр босиб кетганидан кўра, бир мавсум кутиб мелиорация жиҳатидан даволанган ерларни олиш яхшироқлигини наҳотки ижарачиларга тушунтириш қийин бўлса?

— Шундай ҳам қилинди, бўлинмаларингизга эркинлик берилди ҳам дейлик. Иш ҳажмини уддалай оласизларми?

—Трестимиз ҳозир республикадаги барча зовур системаларининг тахминан ярмини қурмоқда. 1977 йилдаёқ биз камида 10 километр ёпиқ горизонтал зовурни фойдаланишга топширган эдик. Ўтган йили эса 920 километр ёпиқ зовур қурдик. Йилига 3 минг километр зовур қуриш учун яна бир зўр беришимиз керак.

Агар ишга реал қарайдиган бўлсак, биз ҳозир ана шундай ҳажмдаги ишни бажаришга тайёр эмасмиз. Шу ўринда тўсқинлик қилаётган бошқа омилларни ҳам айтиб ўтиш керак. Масалан, лойиҳа тўғрисида гапирмай бўлмайди. Лойиҳалар Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети институтларида ерларни ва мавжуд техникани ҳисобга олмай тайёрланади. Қумлоқ ерларга ҳам, оғир тупроқли ерларга ҳам бир хил норма белгиланган, турли машиналар ва механизмларнинг имкониятлари ҳам ҳисобга олинмаган.

Шу ўринда ерларнинг қандай аҳволдалиги кўрсатилган хариталар ёрдам берган бўлур эди. Аммо биз «Узгипроводхоз»дан қанча илтимос қилмайлик ана шу схемаларни ололмадик. Бу схемаларни ҳатто кўрганимиз ҳам йўқ. Институтдагилар эса бундай схемалар борлигига ишонтиришмоқда.

Оқибатда кўпинча ишимиз сифатсиз, баъзан эса бутунлай яроқсиз бўлаяпти.

— Техникадан кўнглингиз тўлмаяпти, лекин сўнгги вақтда жуда кўп замонавий машиналар яратилди. Масалан, «Узоргтехмелиорация» трестида ишлаб чиқилган зовур ётқизувчи ДУ—3502 машинасининг кўрсаткичлари жуда яхши...

— Ҳозирча шу машина бизни жуда қийнаяпти. Аслида бу машина бошқаларидан энг яхши — зовур ётқизиш учун тор чуқур қазилади, тезкор. Бунинг устига контрол қилувчи лазер системаси бор. Лекин унинг конструктив камчиликлари кўп, айниқса тайёрлаш чоғида кўп камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Ана шундай дастлабки машинани ўтган йилнинг февралида Жиззах чўлида синаб кўриш учун олган эдик. Май ойида иккинчиси келди. Ана шу иккита машина билан 1988 йил давомида бор-йўғи 60 километр ёпиқ зовур тайёрладик. Тез-тез бузилиши сабабли бир йил мобайнидаги 356 сменадан 201 смена бекор турди. Ҳатто битта агрегат ишлади. Иккинчиси эҳтиёт қисмлар омбори вазифасини ўтади, дейиш мумкин.

Трест ана шу машиналарни олгач, умуман ғалати аҳволга тушиб қолди. Уларга катта ҳарфлар билан «Узоргтехмелиорация», «Томрэз» (тайёрланган завод номи) ва «Синов» деган сўзлар ёзилган. Лекин улар «Узспецводдренаж» трестининг балансига ўтиб қолибди. Биз ана шу агрегатлар учун амортизация ҳақи тўлашимиз, ўз ҳисобимиздан уларни синашимиз керак. Ҳолбуки, уларнинг ҳар бири деярли 220 минг сўм туради. Бунинг устига ремонтга 9 минг сўмдан кўпроқ сарфладик, энди эса тайёрлаш сифати паст бўлганлиги учун амалда деярли ишлатилмаган биринчи агрегатни ўзгартириш учун яна 35 минг сўм сарфлашга мажбур бўлаяпмиз.

Яқинда яна бир ана шундай агрегат чиқарилди. Унинг ҳам қусурлари кўп. Аммо ҳеч ким янги агрегатнинг камчиликларини тугатишни ўз зиммасига олмаяпти, биз бу агрегатдан воз кечишга мажбур бўлдик.

ДБ—251 маркали агрегатнинг ҳам тақдири шундай бўлишига сал қолди. Унинг техник кўрсаткичлари яхши, лекин бизнинг шароитимизга тўғри келмайди.

Биринчидан, унга қувур ётқизиш учун эни 5 метр келадиган чуқур қазиб кетиш керак. Ана шу чуқур четидаги тупроқнинг тўкилиши натижасида у янада кенгаяди. Сўнгра эса қатлам-қатлам қилиб қайтадан жойига ётқизилади. Бундан ташқари техниканинг юриши учун ҳам жой бўлиши керак. Хуллас, зовур ётқизиш учун эни 30 метр келадиган жой керак бўлади. Яъни зовур ётқизадиган бу агрегат янги ерларни ўзлаштиришда қўл келади, эски хўжаликларда эса шунча ерни исроф қилишга ҳеч ким рухсат бермайди.

Иккинчидан, агрегатни фақат бошқа техникага тиркаб ишлатиш мумкин. Унга иккиучта кучли трактор, яна шунча бульдозер ва скрейпер зарур бўлади. Хуллас қиймати миллион сўмга етади. Энг қулай шароитда ҳам бутун отряд бир йил ичида ана шунча ишни уддалай олмайди. Демак меҳнат зарар келтиради. СанИИри эса: техникани олиб синаб кўринг, лекин олдин ҳақини тўланг деган мазмунда хат йўлламоқда. Биз бунга қарши эканлигимиз тушунарлидир.

— Чет элдан сотиб олинган техника қандай ишлатилмоқда? Трест республикада биринчи бўлиб ГФРдан зовур ётқизадиган кучли агрегат олган ва дастлабки пайтларда уни яхши деб баҳолаган эди. Ҳозир бу ҳақда нима дейсиз?

— Ғарбий Германиядан олинган техникага ҳозир ҳам муҳим эътирозимиз йўқ. У ишончли, тез ва сифатли ишлашни таъминлайди. Лекин бу ерда бошқа муаммо бор — эҳтиёт қисм топиш қийин. Бу машиналарнинг конструкцияси шундайки, сальник, ҳалқа, редукторларгача арзимаган нарсаларни ўзимиз топиб, мослаштириб тайёрлашимиз керак. Масалан, Сирдарё областида ана шу агрегатнинг олдинги ўқ редуктори синиб қолди. Уни тайёрлашга икки ойдан кўпроқ вақт кетди. Подшипникни эса алоҳида буюртма бериб Москвада тайёрлатдик.

Бу йил ГФРдан яна зовур ётқизадиган тўртта агрегат олиш режалаштирилган. Биз эса учта сотиб олганимиз яхшироқ, тўртинчисининг пулига эҳтиёт қисмлар сотиб оламиз, демоқдамиз. Шундай қилсак, харажатларимиз ўзини оқласа керак.

— Демак, республикадаги қадимдан экин экиладиган ерларни даволашга доир кенг кўламли программа яхши тайёрланмаган эканда! Чунки ана шу ерларнинг даволаниши ва келгусида унумдор бўлиши даставвал ишончли зовур тармоқлари қурилишига боғлиқ. Ҳозирча эса бу иш юришмаяпти, барбод бўлмоқда.

— Ҳар ҳолда вазиятга бундай баҳо бермаслик керак. Иш бормоқда, биз эса эътиборни юз берган муаммоларга қаратдик. Бу муаммолар жуда жиддий, аммо уларни ҳал қилса бўлади, конкрет нуқсонлар бор. Аммо аҳволни ўнглаб оладиган одамлар ва ташкилотлар ҳам бор.

Районлар йўқламаси:

КИРОВ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси райондаги йирик саноат корхоналаридан бир ҳисобланади. Кейинги йиллар ичида бирлашма иқтисодий жиҳатдан анча юксалиб, олинаётган даромад сезилари даражада ошди. Бу ютуқларга қандай эришилди? Мухбиримиз корхона бош инженери вазифасини бажарувчи Г. А. Липодат билан суҳбатлашди.

Янгиликка интилиб

— Галина Алексеевна, илғор бўлиш осон эмас. Айтингчи, турғунлик йилларида имкониятлар қандай эди?

— Тўғриси, улардан кам фойдаланиларди. Асосан план ортидан қувиб, эртанги кун ҳақида тузукроқ, реал режалар тузилмасди. Кўп вақт эски, самарадорлиги паст тикув машиналаридан фойдаландик. Шунинг учун ҳам сифатсиз моллар кўпайиб кетиб, харидорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўларди.

Қайта қуриш, янгиланиш шарофати билан бирлашмамизда туб ўзгаришларга эришяпмиз. Биринчи ғалда биз тикув дастгоҳларини, умуман техник жиҳозларни замонавий турларига алмаштирдик. 2-цехда деярли барча жиҳозлар янгиланиб, бир йўла 2-3 юмушни бажарадиган тикув машиналари ўрнатилди. 7-цехдаги машиналар эса Германия Федератив Республикаси, Италия ва Япония фирмаларида ишлаб чиқарилган тикув дастгоҳларига алмаштирилди. Умуман, кейинги пайтда 90 фоиз машиналар янгиланди. Натижада, ишлаб чиқариш унумдорлиги 12—20 процентга ошди.

— Хўжалик ҳисоби қандай самаралар бермоқда?

— 1988 йил январь ойидан хўжалик юритишнинг янги системасида ишлашга ўтдик. Мутахассис сифатида бу янгиликни қўллаб-қувватлайман. Янгича шароитда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг пировард натижаси ҳисобга олиняпти.

Ишчидан тортиб раҳбаргача ишга бўлган масъулияти ошган. Шу боис яхши натижаларга эришяпмиз. Биргина ўтган йилнинг ўзида 13 миллион 780 минг сўм даромад олинди. Бир неча йилдирки, маҳсулот етказиб бериш шартнома плани тўлиқ уддаланяпти. Ўтган тўрт ой давомида пландагидан 614 минг сўмлик кўп маҳсулот реализация қилинди.

— Шу ўринда ҳал этилиши керак бўлган муаммолар ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Янгиликка интилиш, резервларни ишга солиш турли қийинчиликларни келтириб чиқаради. Уларнинг ечими эса изланиш, имконият топишни талаб этади. Юқори ташкилотлар марҳаматига кўз тикиб ўтирадиган даврлар ўтди. Шунинг учун ҳам имкониятлардан оқилона фойдаланиш керак. Юнусобод массивидаги филиалимизда ишчи кадрлар етишмайди. Яқин-яқингача иш бир сменада олиб бориларди. Бош корхонамизнинг ўзида малакали ишчилар етишмай турганда, бу жойларга қўлдан иш келадиган тикувчи топиш осон бўлмаяпти. Очиғи, ишчиларимизнинг машинамеханизмларга бўлган муносабати кўнгилдагидек эмас. Айниқса, билим юртини тамомлаб, янги келган ёшлар машина билан муомала қилишда қийналишади, дастгоҳлар тезда бузилиб қоляпти. Машиналарнинг бузилиши эса қимматга тушади. Чунки, эҳтиёт қисмлар топиш мушкул. Шунинг учун ёш ишчиларни касбни тўлиқ эгаллаб олгунларича мураббийларга бириктириб қўйяпмиз. Машиналарни юргизиш тартиби, тикиш усуллари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

«Маҳсулот сифатига кафолат берамиз» — Тошкент асбобсозлик заводининг 12-цехи коллективи ана шундай шиор остида меҳнат қиляпти. Юзага келган қийинчиликлар кўпчилик бўлиб ҳал этилаётгани сабабли тезда бартараф этилмоқда. Цех азаматлари пешқадамликни қўлдан бермаслик учун бор билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Т. Тўхтаев, (чапдан) цех бошлиғи Ф. Нигматов, сиддиқловчи М. Мирзаев ва мастер С. Тоейчанскаялар навбатдаги режалар ҳақида суҳбатлашишаяпти.

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик бирлашмаси тикувчи-мотористкаси Маҳфуза Алимованинг номини барча ҳурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта. Маҳфуза район Советига депутат бўлиб сайлангач одамлар орасида кўпроқ бўлиб, улар дарди билан яшаяпти. Зиммасидаги ойлик планларни мунтазам 150-160 процент уддалаш билан бирга сайловчиларнинг наказларини бажаришга ҳам улгурмоқда.

СУРАТДА: 2-цех чевари, жонкуяр депутат М. Алимова.

«Ўроқ ва Болға» иттифоқи

Асбобсозлар кўмаги

ТАБИИЙ офат натижасида қишлоқ хўжалигига етказилган моддий зарар шаҳарликларни ҳам ташвишга солиб, оёққа турғазди. Тошкент асбобсозлик заводида ўтказилган митингда ҳам шу ҳақда гап борди.

—Қишлоқ меҳнаткашлари дастурхонимизга сархил ноз-неъматлар етказиб бериш учун бор кучғайратларини аяшмаётир, — деди корхона партия комитетининг секретари Л. Трухачёва. — Деҳқон мададга муҳтож, шу кунларда дўстона ёрдам қўлини чўзиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Иғилишда сўзга чиққан ишчи-хизматчилар ҳам партия етакчисининг фикрини қўллаб-қувватлашди. Кўпчилик район оталиғидаги хўжаликларга моддий ва ишчи кучидан ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан чиқди.

Коллектив май ойида икки иш кунидан тушган маблағни республика қишлоқ хўжалигини тиклаш учун ёрдам фондига ўтказишга қарор қилди. Шунингдек, 10 дан ортиқ юк машиналари ва ишчи бригадалари Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» ва Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозларига юборилиадиган бўлди.

Сўзимизнинг устидан чиқамиз

ТОШКЕНТ шаҳридаги Юнусобод массиви, Максим Горький майдони, Краснопресненск кўчаси ва колхоз идораси ёнида фирмали магазинларимиз ишлаб турибди. Бу савдо шохобчаларидан шаҳарликлар помидор, бодринг, шунингдек, турли хил кўкатлар харид қилишмоқда. Ҳозир-ку дўконларга кунига ўртача 10-12 тоннадан теплица маҳсулотлари чиқаяпти, озгина вақт ўтгач аҳвол нима бўларкин, дея ўйланиб қоламан.

Бу йил қишлоқ хўжалиги ходимлари учун айниқса оғир келди. Кутилмаган совуқ далаларда энди авж ола бошлаган экинлар, ток ниҳоллари ва тут баргларига қирон келтирди. Катта-катта майдонларда нобуд бўлган помидор, бодринг, макка, картошка ниҳолларини кўриб деҳқон меҳнатига ачинасан, киши. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак биргина бизнинг хўжалик 1,5 миллион сўмга яқин моддий зарар кўрибди. Вақти келиб унинг ўрни қопланар, лекин ҳосил кўзланганидан кам, бунинг устига кеч олиниши ташвишга солмоқда.

Тошкент шаҳар партия комитетининг II пленумида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги алоқаларни яхшилаш, шунингдек, оталиқ ёрдамини кучайтириб, Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш долзарб вазифа эканлиги таъкидланди. Бундай масъулиятни чуқур ҳис қилган хўжалигимиз аъзолари белни маҳкам боғлаб, янгитдан ишга киришдилар.

Ҳозир ҳамма далада. Экинларга ишлов бериш, зарар кўрган карталарни тайёрлаш авжига чиққан. Партия ва совет органлари вакиллари аҳволимиздан хабардор бўлиб туришибди. Бизни оталиққа олган Киров райони раҳбарлари ҳам далаларни айланиб, шаҳарликлар ҳар қандай ёрдамга тайёр эканликларини айтишди.

Коллективимиз бу йил шаҳар аҳолисига 15 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериши керак. Юзага келган қийинчиликларга қарамай ваъдани бажаришга ҳаракат қиламиз. Айни пайтда колхозлдаги консерва цехида аччиқ хрен, салат ва компотлар тайёрланмоқда. «Крюшон» ва «Шипучее» виноси ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Кўпчилик харидорлар сабзавот маҳсулотларини кўчма дўконларда келтириб сотишни талаб қилишяпти. Шунда улар ўзлари ишлаётган завод ва фабрикаларнинг олдида харид қилиш имкониятига эга бўладилар-да. Биз кўчма савдони кенг йўлга қўйишни режаламоқдамиз.

Оталиқ корхоналар бизга теплица ва сабзавот-мева маҳсулотлари сақланадиган омбор қурилишида ёрдам беришса, аҳвол анча енгиллашарди. Ҳозир колхозчиларни рағбатлантириш керак. Бунинг учун дўконларимиз ва дала шийпонларига камёб кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари келтириб сотилса ҳам айни муддао бўларди.

Н. БОЙМУҲАМЕДОВ,
Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг раиси.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган машиналар ва эҳтиёт қисмлар қишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачиликда кенг қўлланилаяпти. Хўжалик ҳисобида иш юритаётган корхонада белгиланган планларни ошириб бажаришга эришилмоқда. Ўтган йили бу кўрсаткич 113,1 процентни ташкил этди.

Ишлаб чиқаришда янги технология, синалган иш усулларидан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Конвейердан чиқаётган ҳар бир машина ва эҳтиёт қисмлар қатъий назорат остига олинган.

Ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ, албатта. 7-цех каби пешқадамлар сафи тобора ортиб бормоқда. Бу коллектив яқинда Ўзбекистон ССР Машинасозлиги министрлиги томонидан саноат корхоналари ўртасида ўтказилган социалистик мусобақада ғолиб чиқди.

СУРАТЛАРДА: 7-цех мастери Х. Қаландаров (ўнг томонда) ва токарь С. Степанченко маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда: жўнатишга шай қилиб қўйилган УПХ—1,5В маркали кўсак чувиш машиналари.

Шарҳчи сатрлари

Инсон манфаатларини ўйлаб

ПАРИЖДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШИ ХУСУСИДА

Ер юзидаги қанчадан-қанча улуғ олимлар сўзининг шоҳиди бўлган Париждаги Сарбонна университетининг катта залига давримизнинг жуда долзарб муаммолари, яъни шу вакиллар ибораси билан айтадиган бўлсак, инсоний мезонлар муаммоларини муҳокама қилиш учун 35 давлатнинг вакиллари йиғилдилар. Худди ана шу машҳур залда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг инсоний мезонларига бағишланган Париж конференцияси очилди. Бу анжуманни кўпинча Париж инсонпарварлик конференцияси деб атамоқдалар. Бу галги учрашув Парижда ўтказилаётганлиги бежиз эмас, чунки 1989 йилда инсон ва граждан ҳуқуқлари декларациясини эълон қилган буюк француз революциясининг 200 йиллиги нишонланмоқда. Орадан икки аср ўтганидан кейин ҳам мазкур ҳужжатда кўтарилган масалалар инсониятни ҳаяжонга солиб турибди, мазкур масалалар хусусида қизғин баҳслар ва сиёсий жанглар бўлмоқда.

Франция Президенти Франсуа Миттеран анжуман очилишида сўзлаб, тўғри таъкидлаб ўтганидек, ҳозир Европа қитъасида муносабатларнинг янгича тусини ўрнатиш жуда муҳимдир, бу муносабатлар мухолифликка эмас, мулоқотга, куч ишлатишга эмас, қонунга, ғояларни рад этиш ва улар ҳақида «чурқ» этмасликка эмас, балки ана шу ғояларни эркин айрибошлашга асосланиши керак. Хавфсизлик фақатгина ҳарбий жиҳат билангина чекланмаётир. Давлатлар ўртасидаги тинчлик ҳам, гражданлар учун эрк ҳам — буларнинг ҳаммаси бир-бири билан боғлангандир.

Париж анжуманига йиғилган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши қатнашчилари бўлган давлатларнинг намояндалари Венадаги учрашувда эришилган инсонпарварлик соҳасидаги ютуқларни мустаҳкамлашни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар. Улар инсонпарварлик соҳасидаги ҳамкорликда вужудга келтирган дастурнинг дастлабки иш самараларини таҳлил этишга, истиқболни белгилашга қарор қилдилар. Париждаги конференция иштирокчилари шуни эътироф этдиларки, Венада катта натижалар қўлга киритилди, давлатлар инсоннинг асосий ҳуқуқларини ва демократик эркинликларини ҳурмат қилиш борасида ўз зиммаларига жиддий мажбуриятлар қабул қилдилар. Гарчи ўзаро эътирозлар ва таъна-дашномлар бўлсада, Париж мухолифлик ва янги тўқнашувлар майдонига айланиб кетмаслиги керак.

Конференция ишлаб турган биринчи кунларданоқ бўлажак ҳамкорликка қарашларда муайян муштаракликлар аниқланганлиги мароқлидир. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри, Э. А. Шеварднадзенинг нутқи катта қизиқиш ва диққат-эътибор билан кутиб олинди. У келажакда Европа қитъасида ягона ҳуқуқий муҳитни вужудга келтириш, яъни халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини, уларни модификациялашни бир хил тушуниш хусусида аҳдномалар ишлаб чиқиш, ҳамкорликнинг янги соҳалари учун ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқиш, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида қатнашган мамлакатлар томонидан ҳозиргача ишлаб чиқилган аҳдномалар қандай бажарилаётгани тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳақида гапирди. Франция давлатининг бошлиғи Ф. Миттеран нутқида эса «Европа ҳуқуқий давлати» ғояси илгари сурилди. Бу ғоя «Умумевропа хонадони»ни яратиш тўғрисидаги совет ташаббусларига ҳамоҳангдир ва бу масала хусусида мулоқот бошланганлиги муҳимдир.

Инсон ҳуқуқларини ва демократик эркинликларини таъминлаш сингари нозик масалалар кўтарилаётган Париждаги анжуманда баъзан қаттиқ баҳслар бўлаётгани табиийдир. Айни вақтда анчагина амалий баҳолар берилди ва баёнотлар ҳам бўлди, булар анжуман қатнашчилари бир-бирларига пешвоз чиқишаётганлигидан далолат беради. Кўпчилик, шу жумладан, Америка делегациясининг раҳбари, элчи Моррис Эйбрам ҳам СССРда, бошқа социалистик мамлакатларда бу соҳада «туб, шов-шувга сабаб бўладиган жараён» бўлаётганлигини қайд этмоқдалар. Учрашувдагилар СССР халқ депутатларининг съезди қандай бораётганини катта диққат-эътибор билан кузатиб турибдилар, улар ана шу съезд диққат марказида эрк, фаровонлик ва тинчлик шароитида яшашдек инсон ҳуқуқлари масалалари турганлигини таъкидламоқдалар.

Анжуманнинг биринчи кунларидаёқ анчагина қизиқарли ғоялар ва таклифлар айтилди. Европа марказидаги кичкинагина давлат Лихтенштейн ҳукуматининг бошлиғи Ханс Брунхартнинг қуйидаги оқилона мулоҳазаси ёдимизда қолди: «Европанинг қарийб барча мамлакатларида озодлик ва мустақиллик йўлидаги жангларда ҳалоқ бўлган кишиларга ёдгорлик сифатида Номаълум солдат ҳайкаллари бор. Биз номаълум одамга ҳам обида тиклашимиз керак. Чунки, таассуфки, одам ҳозиргача ҳам турли сабабларга кўра, камситиш ва репрессиялар, шафқатсиз эксплуатация азоб уқубатини чекмоқда».

Виктор ХРЕКОВ,
ТАСС мухбири.
Париж.

Қочоқлар қайтиб келмоқда

ПРАГА. Сўнгги вақтларда ўз ватанига қайтиб келаётган афғонлар сони кўпаймоқда, бироқ республика ҳукуматининг барча қочоқларни қабул қилиш учун етарли маблағи йўқ, деди ЧТК агентлиги мухбири билан суҳбатда Афғонистон республикаси қочоқлар иши министрининг ўринбосари Халил Жалол. Ўтган йили Афғонистонга 75 мингга яқин киши, миллий яраш сиёсати эълон қилинганидан бери эса 194 минг киши қайтиб келди. Х. Жалол министрлик маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда қочоқлар сони умуман 3,5 миллион кишига етганлигини кўрсатиб ўтди. Уларнинг кўпчилиги Покистон территориясидаги лагерларда туришибди.

Афғонистондаги кўпгина ташкилотлар ва гражданлар қочоқлар иши министрлиги ҳисобига пул юборишмоқда. Ҳозир ватанга қайтиб келаётганлар фондида жами 135 миллион афғони тўпланди. Бироқ ҳисоб-китоблар бир миллион қочоқнинг Афғонистонга қайтиб келиши учун сарф-харажатлар 11 миллиард афғонига (пулнинг расман тан олинган қадри бўйича 200 миллион долларга) тенг эканлигини кўрсатмоқда. Афғонистон республикаси, деб уқтирди Ҳ. Жалол, бундай маблағларга эга эмас. Министр ўринбосари ватанга қайтиб келиш жараёнини тезлаштириш учун ҳорижий ёрдамни кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Ҳиндистонда ёмғирлар мавсуми бошланди

ДЕҲЛИ. Ҳиндистонда ёзги муссон ёмғирлари бошланди. Кучли ёмғирлар бўлиши кутилмоқда. Фан ва техника департаменти мутахассисларининг чамалашича, яқин икки ой ичида деҳқонларнинг яхши ҳосил олишлари учун мамлакат бутун территориясининг бешдан тўрт қисми етарли нам билан таъминланди.

Ҳиндистон жанубидаги Керала штатида дастлабки жала ёмғирлар ёғиб ўтди. Аста-секин доимий ҳаво оқимлари тропиклардан мамлакатнинг шимоли томон ёмғирли булутларни ҳайдайверади. Тахминан 29 июнда муссон ёмғирлари чегараси Деҳлигача етади ва 15 июлда мамлакат шимолий—ғарбидаги Ҳиндистон территориясининг охирги бўлагини қамраб олади. Қурғоқчилик йилларидан ташқари ҳар йили шундай бўлади.

Кўпчилик ҳиндистонликларнинг фаровон ҳаёти бутунлай ёзги муссон ёмғирларига боғлиқ. Бурноғи йил муссон ёмғирлари Ҳиндистонни четлаб ўтди, ўнлаб миллион деҳқонлар ярим оч яшашга мажбур бўлди. 1988 йилда табиат деҳқонларга аввалги қурғоқчилик йилларидан кейин мўл ёзги муссон ёмғирларини ҳадя этди. Деҳқонлар мамлакатнинг бутун тарихида биринчи марта рекорд ҳосил—170 миллион тоннадан кўп дон олдилар. Агар мутахассисларнинг кутган натижалари ишончи оқласа, унда ҳозирги қишлоқ хўжалиги йилида 175 миллион тоннадан кўп дон йиғиштириб олинади.

(ТАСС).

Бизнинг ҳарбий бюджетимиз: рақамлар замирида нималар бор?

М. С. Горбачев 30 май куни СССР халқ депутатлари съездида қилган докладда мамлакатимиз ҳарбий ҳаражатларини 77,3 миллиард сўм деб унинг ҳақиқий рақамини илк бор айтиб ўтди. Шу кунларда совет жамоатчилиги ҳам, халқаро матбуот ҳам совет ҳарбий бюджетини кенг муҳокама қилиб, шарҳламоқда. Биз СССР Молия министри Б. И. Гостевдан бу бюджетга ҳаражатларнинг қандай асосий моддалари кириши тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Ўз-ўзидан равшанки, мамлакатнинг пухта мудофаасини таъминлаш учун зарур бўлган ҳаражатлар ҳарбий ҳаражатларимизнинг ўзагини ташкил этади, — деди Б. И. Гостев. — Қурол-яроғ ва ҳарбий техника харид қилишга, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини ўтказишга, қуролли кучларнинг шахсий составини сақлашга, моддий-техника таъминотига, ҳарбий қурилишга кетадиган сарф-ҳаражатлар шулар жумласидандир. Бу — энг муҳими.

Лекин фақат шу ҳақда гапириш ҳамма нарсани айтмасликни билдирган бўлур эди. Бизнинг ҳарбий бюджетимиз тўғрисида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун шуни назарда тутиш зарурки, унга бевосита ҳарбий ҳаражатларгина эмас, шу билан бирга запасга ва истеъфога чиққан ҳарбий хизматчиларга пенсиялар тўлашга, офицерлар ва уларнинг оила аъзолари учун госпиталлар, поликлиникалар, бошқа ҳарбий-медицина муассасалари, санаторийлар ва дам олиш уйлари қурилиши ҳамда уларни сақлашга кетадиган ҳаражатлар ҳам қўшилган. Офицерларнинг клублари ва уйларини, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун туристик базалар, мактаблар, болалар боғчалари ҳамда пионер лагерлари қурилиши ва уларни сақлаш ҳарбий бюджетдан пул билан таъминланади. Ҳарбий бюджетнинг талайгина маблағи уй-жой қурилишига сарфланмоқда. Шу муносабат билан эслатиб ўтаманки, 1987-88 йилларнинг ўзидагина СССР мудофаа министрлиги салкам 113 мингта квартирани фойдаланишга топширди.

— Турли мамлакатларнинг таниқли снёсат ва жамоат арбоблари, матбуот совет ҳарбий бюджетини шарҳлаб, Совет Иттифоқи ҳарбий соҳада ишончни таъминлашга, рўй-ростлик ва ошкораликни кенгайтиришга қаратилган йўлини амалда тасдиқлаётганини қайд этмоқдалар. Аммо бошқача фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилмоқда. Оммавий ахборот воситалари СССРнинг ҳарбий бюджети тўғрисидаги хабарни бериб улгурмасданоқ, ғарбдаги баъзи оммавий ахборот органлари, масалан, Американинг Эй-Би-Си телекомпанияси, ундан кейин эса «Америка овози» ҳам айтилган рақамга дарҳол шубҳа солишга уриниб кўрдилар: у пасайтириб кўрсатилган бўлмасин тағин?..

— Шу хусусда нима дейиш мумкин? Бу хилдаги далил-исботсиз ва асоссиз даъволар ғарбдаги баъзи пропаганда органлари Москвадан бошланган барча ташаббусларни деярли шу заҳотиёқ шубҳа остига олишга уриниб келган эскича ёндашувлардан ҳали ҳам воз кечмаганликларининг далили деб ўйлайман. Бизнинг 1989 йилги ҳарбий харажатларимиз аниқ ва тўла-тўкис ҳисоблаб чиқилган, зотан улар «камайтириб кўрсатилган» деган даъволар ёлғон хабардир.

— Мамлакатимиз жамоатчилиги ҳам, жаҳон жамоатчилиги ҳам бу маълумотларни аллақачондан бери кутишаётган эди — уларни тайёрлаш шу қадар чўзилиб кетганига сабаб нима?

— Ҳарбий бюджетнинг аниқ миқдорини белгилаш — бир қарашда туюлганидек, асло жўн иш эмас. Шуни унутмангки, ҳарбий ҳаражатлар давлат бюджетининг турли моддалари орқали ўтади, бинобарин мудофаа мақсадларига сарфланадиган ҳаражатларни аниқлаш учун ана шу барча моддаларни ғоят синчиклаб, пухта таҳлил этиш зарур эди. Бундан ташқари 1987 йилдаёқ қуролсизланиш билан ривожланиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликка бағишлаб Нью-Йоркда ўтказилган халқаро конференцияда айтилганидек, СССРнинг ҳарбий ҳаражатлари мамлакатимизда нарх белгилаш тубдан ислоҳ қилингандан кейин айтилиши керак эди. Аммо халқ депутатларининг биринчи съезди иш бошлаган экан, ҳарбий бюджетимизни эълон қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

— М. С. Горбачевнинг докладида 1990—91 йилларда ҳарбий харажатларни 10 миллиард сўм камайтириш тўғрисида таклиф айтилди. Халқ хўжалиги учун бу маблағ нимани билдиради?

— Аввало шуни қайд этишим керакки, гап юритилаётган таклиф — мамлакатимиз олиб бораётган ўша принципиал ташқи сиёсий йўлнинг — мудофаа учун оқилона даражада етарлилик принципига асосланган йўлнинг давоми ва ривожлантирилишидир. Бу — мамлакатимизга қуролли кучларимизни бир томонлама тартибда 500 минг киши, 10 минг танк, 800 самолёт ва ҳоказоларга камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини берган йўлдир. М. С. Горбачев таклиф этган ҳарбий харажатларни камайтириш ҳарбий бюджетнинг тахминан 14 проценти халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилади, деган маънони билдирган бўлур эди. 10 миллиард сўм маблағ амалда нимани билдиради? Бу — давлат бу йил мамлакатнинг учта энг муҳим саноат комплекси — машинасозлик, металлургия, химия-ўрмон комплексларини ривожлантиришга қанча маблағ сарфласа, тахминан шунчадир.

Ҳарбий соҳадаги ошкораликни ривожлантириш жараёни деди пировардида Б. И. Гостев, жамиятимизни демократиялаш билан чамбарчас боғланган. 1987-88 йилларда мамлакатнинг ҳарбий ҳаражатлари кўпайтирилмаганлиги, ҳозир эса халқ депутатларининг съездида ҳарбий бюджетни қисқартириш тўғрисидаги таклиф муҳокама қилинаётганлиги фактига келганда шуни айтиш керакки, бу — халқимизнинг ўй-фикри тинчликка қаратилганлигининг яққол, ишонтирарли далилидир.

Суҳбатни ТАССнинг снёсий шарҳловчиси Ю. Корнилов олиб борди.

Районлар йўқламаси:

КИРОВ

Райондаги энг қўркам ва аҳоли билан гавжум жойлардан бири Юнусобод массиви ҳисобланади.

СУРАТДА: массивдаги 9-квартални обод қилиб турган замонавий уйлар акс эттирилган.

Ёшлар кафеси

ЎТГАН йили Сухуми шаҳрида ўтказилган рок ва жаз группалари фестивалида Киров районидаги «Умид» ёшлар клубининг «Икс» рок группаси лауреат бўлиб қайтган эди. Яқин кунларда коллектив Москва шаҳрига боради. «Бўстон» миллий фольклор ансамбли ва «Фрилинг» камер оркестри шу кунларда корхона ва ташкилотларда концерт программаларини намойиш этишмоқда. Энди эса...

Маълумки, шаҳардаги кафеларда маданий ҳордиқ чиқариш имконияти йўқ. Ёшлар кам ташриф буюришади. Шуни эътиборга олиб кафелар жойлашган биноларнинг иккинчи қаватида «Умид» ижодий ёшлар марказини қурилмоқда.

— Район давлат банкидан қарз олиб, реконструкция ишларини бошлаб юбордик, — деди ёшлар марказининг директори Н. Петросова. — Ҳозирча район ошхоналар трестининг раҳбарлари таомлар 1-категорияда реализация қилинади, деб туриб олишган. Бу эса ёшларга қулай эмас. Уларни кўпроқ жалб этиш учун тайёрланаётган таомлар нархини арзонлаштириш зарур.

«Умид» ёз фаслининг охирларида ишга тушади. Хўш, унинг қандай афзалликлари бор? Аввало бу жойга оилавий бўлиб ташриф буюриш мумкинлигини таъкидлаш зарур. Катталар ва болаларга барча шароитлар яратиб берилади.

Номалар, дардномалар

Саккиз йилдан бери навбатда

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси атрофидаги турар жойлар тобора обод бўлаётган бир вақтда Носирова кўчасида жойлашган 151-уйда аҳвол ўзгармаяпти. Бу бўйдоқлар ётоқхонасидаги тор, доимо зах уч хонада эрим ва уч фарзандим билан бирга яшаймиз. Қўшни хонада милиция вакилининг кабинети. Куну тун у кишининг олдига келганлар албатта бизни безовта қилади.

Мен шаҳар ички ишлар бошқармасига қарашли соқчилар бўлинмасида хизмат қиламан. Квартирага навбат кутаётганимга 8 йилдан ошди. Ҳозирги шароитда уйга меҳмон ҳам чақиролмаймиз. Район Совети ижроия комитетидан нажот кутавериб чарчадик. Бир неча марта у ердан вакиллар келиб, хоналарни кўздан кечиришди, ҳовлининг бир неча жойига қозиқ қоқдилар. Суриштирсак, кўчамиздаги эски хонадонлар бузилар экан. Лекин қачонлиги номаълум. Ачинарлиси, ётоқхонага прописка қилинганмиз, лекин шу пайтгача на мен, на турмуш ўртоғим бирор марта сайловларда қатнашмадик. Аҳолини рўйхатга олиш пайтида ҳам хонадонимизни четлаб ўтишди.

Қ. НУРМАМАТОВА.

⊙

Ҳозирги кунда район аҳолисининг ҳар 13 кишидан бири онлавий шароитнинг яхшиланишига муҳтож. 4,5 минг киши квартира сўраб ариза ёзган. Уларнинг эҳтиёжини тўла қондириш учун 2,5 миллион квадрат метр уй-жой қуриш керак бўлади. Аммо район Совети ижроия комитети томонидан қабул қилинган уй-жой программаси сусткашлик билан бажарилмоқда. Бунинг устига 4 та қурилиш ташкилоти зимасидаги топшириқларни ўз вақтида уддалолмай, аҳволни янада мушкуллаштираяпти.

Номим шикоятчига чиқди

УЧ ФАРЗАНДНИНГ онасиман. Кенжа ўғлим туғилгандан бери сунъий овқатланади. Райондаги 5-болалар поликлиникасидан бепул сут-қатиқ ола бошладим. Бундай ғамхўрлик учун давлатимизга минг марта раҳмат.

Ўтган йил сентябрь ойида болам 1,5 ёшга тўлиб, ишга тушиб кетдим. Поликлиникада «ўғлингиз боғчага боряпти, энди сут-қатиқ берилмайди», дейишди. Ҳайрон бўлиб, республика Соғлиқни сақлаш министрлигидан сабабини суриштирдим. У ердан бола икки ёшга тўлгунча имтиёздан фойдаланиши мумкинлиги ҳақида поликлиникага қўнғироқ қилишди. Шундан бери номим шикоятчига чиқиб, менга яхши муомала қилмайдиган бўлдилар.

Ноябрь ойида «кўп болали оналарга қулайлик яратилибди, 10 сўмлик озиқ-овқат бепул бериларкан», деган хушхабарни эшитдим. Ҳақиқатан ҳам поликлиникадан сариёғ, шакар, гуруч каби маҳсулотлардан 7 сўм 52 тийинлик олдим. Қолганини декабрь ойида бермоқчи бўлишди. Лекин ваъда бажарилмади. Дарвоқе, 1 йилдан ошди, якшанба кунига сут-қатиқ ҳам бермай қўйишган.

Бир неча марта поликлиника бош врачи Фарида Зокировага учрашдим. У киши арзимни эшитишни истамай «беш қўлингизни оғзингизга тиқмай, берилганини олиб кетаверинг-да», дея дилимни ўкситди.

М. ДОВУТЖОНОВА,
Юнусобод массиви.

Районда соғлиқни сақлаш борасида жиддий муаммолар бор. Қўлланилаётган барча чора-тадбирларга қарамай юқумли касалликлар камаймаяпти. Болалар ўртасида ўлим ҳам юқори. «Саломатлик» программасининг бажарилишини оталиққа олган Ўрта Осиё педиатрия илмий-текшириш институти эса аҳоли ўртасида етарли ишларни олиб бормаяпти.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш, унинг битмас-туганмас манбаини халқ хўжалигига бўйсундириш ҳозирги замон илм-фанининг катта ютуқларидандир. Бу эса экономикага миллионлаб сўм фойда келтиради.

Қуёш физикаси илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам самарали ишлар олиб бориляпти. Айниқса, элементар заррачалар физикаси лабораториясининг катта илмий ходими С. Лутфуллаев ва кичик илмий ходим А. Жумановлар катта тадқиқот ишлари олиб боришаяпти. Улар юқори энергияли заррачалар ўзаро тўқнашганда ҳосил бўладиган реакция ва янги зарраларнинг турларини кашф қилишмоқда.

СУРАТДА: С. Лутфуллаев ва А. Жумановлар.

24 минг ГТО нишондори

СССР Мудофаа министрлиги томонидан ўтказилган текшириув натижаларига кўра ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги бўйича Тошкент шаҳри Иттифоқимизда 1-ўринни эгаллади. Бундай ютуққа энг яхши кўрсаткичга эришган Киров райони муносиб ҳисса қўшди. Шу ўринда нейинги уч йил мобайнида ГТО нишондорлари 24-26 процентдан 74-76 процентга ошганлигини таъкидлаш зарур.

Райондаги билим даргоҳларида саломатлик куни, спартакиадалар, болалар олимпиада ўйинлари ўтказиш одат тусига кириб боряпти. Ҳозир «Зеленит» ҳарбий-ватанпарварлик клуби, 10 га яқин сузиш ҳавзалари ишлаб турибди. Соғломлаштириш болалар боғчаларидан бошланишига эътибор берилаяпти. Бошланғич ҳарбий таълим дарсларига талаб оширилган. Мана шулар натижасида мактаб ва билим юртларида таълим олаётган 24 минг ўқувчи ГТО нишондори бўлди.

«Хўрозча»да қувноқ кайфият

— Салом, кичкинтой дўстларим, олдингизга сўлим табиат бағридан келдим...

Болалар ҳузурига сават тўла гул кўтариб олган қизча — «Бойчечак» ташриф буюрганда барча жонланиб қолди. Улар баҳор элчисини қарсаклар билан кутиб олишди. Шундан сўнг ўйин-кулги бошланиб кетди.

Бу Юнусобод массивидаги «Хўрозча» болалар майдончасида ўтказилган тантаналардан бир лавҳа. Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай навоси уларни қизиқарли байрам программасига чорлади.

— Энг муҳими, тантанада ўзбек ва рус тилидаги қуйқўшиқлар ижро этилди, — деди район маданият бўлимининг мудири Х. Ориф-жонов. — Маданият уйидан бадиий ҳаваскорлик коллективларини таклиф этдик. Шу куни массивдаги «Болалар дунёси» магазинида байрам қатнашчилари учун савдо ташкил этилди. Керакли кийим-кечаклар, шунингдек турли ширинликлар савдоси уюштирилди.

Болалар майдончасида ёзги таътил кунлари ўқувчилар кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳозирдаёқ ранг-баранг тадбирлар ишлаб чиқилган.

Маданият хабарлари

Ремонтдан сўнг байрам

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги Глиэр номли маданият уйининг «Одамлар ва қўғирчоқлар» коллективи қатнашчилари яратган ажойиб ва ёқимтой қаҳрамонлар — масхарабоз Тотошка ва катта кулранг сичқон болалар ва уларнинг ота-оналарини қувноқ томошага таклиф этдилар. Театрлашган томошада кўпгина қизиқарли ва кутилмаган воқеалар бўлди. Ёз мавсумида болалар киядиган кийим-кечакларни уларнинг ўзлари — бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қатнашчилари намойиш этишди. Бу кийимларни бичиш ва тикиш курсларини битириб чиққан ёшлар тикишган эди. Маданият уйида расм ва фото тўгараклари кўргазмаси ташкил қилинган эди. «Лабиринт» вокал-чолғу ансамбли билан «Солнишко» болалар вокал-хор студияси қатнашчилари ижро этган қувноқ қўшиқларга томошабинлар ҳам жўр бўлишди.

Клуб ҳодимлари томоша муваффақиятли чиққанлиги учунгина қувониб қолмадилар. Гап шунда эдики, бу концерт капитал ремонтдан сўнг реконструкция қилинган бинода бўлди. Бинони янгилаш учун катта пул — етмиш саккиз минг сўм сарфланди. Бу ерда кўп йиллар мобайнида оддийгина турмуш шароитлари ҳам йўқ эди, турли-туман идораларга кўпдан-кўп марта мурожаат қилиниб, озмунча куч сарфланмади. Энди ҳамма қийинчиликлар орқада қолди. Болаларнинг қувноқ кулгуси ва шодон чеҳралари томоша тайёрлаган барча кишилар учун энг яхши мукофот бўлди.

Дам олиш кечаси

Чехов номли Самарқанд рус драма театрида лифтсозлик заводининг «Пируэт» ансамбли иштирокида дам олиш кечаси бўлди. Томошабинларга шоир Раим Фарҳодий шеърлари асосида тайёрланган «Қорлар афсонаси... ям-яшил далалар» композициясининг премьераси кўрсатилди.

Беш йил мукаддам ташкил этилган ансамбль репертуарида 30 дан ортиқ турли-туман рақслар бор. Коллектив лифтсозларнинг барча байрамларида, дам олиш кечаларида қатнашмоқда. Унинг раҳбарлари Л. Қорабоева ва Г. Буторин коллективнинг ижодий ўсиши учун кўп иш қилишди.

Китобхонлар ҳузурига

Тошкент область, Улуғбек посёлкасидаги 3-мактабнинг пионер лагерига кўчма китоб уйи келди. Уни республика болалар кутубхонаси ходимлари уюштирдилар.

Кўплаб болалар лагерларга жўнаб кетган ёзги таътил кунларида ҳам бу кутубхона ўз китобхонларини эсдан чиқармаяпти. Доимий ишловчи кўчма бригадалар турли ерларга бориб, китоб кўргазмалари ташкил этмоқда, ўқувчиларни янги-янги асарлар билан таништирмоқда, ёзувчиларнинг болалар билан учрашувларини, суҳбатларини ўтказмоқда. Кутубхона фондида 230 мингтадан кўпроқ китоб бор, бу эса Ўзбекистон территориясида яшаётган турли миллат болалари ўз она тилларида китоб ўқишларига имкон беради.

Ия, наҳотки?!.

Кўриб кўрмасликка олишади

Экология, табиатни асраш масалалари тўғрисида соат сайин, кун сайин такрор ва такрор гапирилмоқда, оммавий ахборот тинимсиз чиқишлар қилмоқда.

Шунга қарамай шаҳримизнинг энг кўркам, аҳоли зич жойлашган баъзи жойларда янги-янги ахлатхоналар қад «кўтармоқда».

Ҳамза районидаги «Иззат» кўчасининг тугалланмасига бир боринг-а, у ерда 145-автохўжалик, «Қадоқлаш фабрикаси», бир неча завод ва қурилиш ташкилотлари биқинида — кенг асфальт ўртасида баҳайбат ахлатхона ташкил бўлган. Бу ерда район «Водоканал» ташкилотларининг қўрғони умрингизда кўрмаган ажабтовур ахлат уюмларига суяниб турибди.

Узунлиги 50, эни 15 метрга чўзилиб кетган ахлатхонани бўйи ва энига кўпайтиришда «Мусаффо», Айриев номидаги ва «Иззат» кўчаларининг баъзи тўкин табиат оилалари зўр фаолият кўрсатишмоқда. Улар «Ахлат ташлаганларга 100 сўм жарима!» деб ёзиб қўйилганига қарамай , худди ўша ёзув устунининг тагига аравачаларда ахлат ағдаришмоқда.

Район санитария-эпидемиология станцияси ва райижроком ободонлаштириш бошқармасининг мутахассислари ахлатхонани кўриб кўрмасликка олиб кетмоқдалар. Хўш, асфальт устидаги ахлатхона қачон йўқотилади?

Б. ЖУРАЕВА.

Фурқат номли маданият саройида ўзбек халқ чолғу ансамбли, қўғирчоқ театри, тикиш-бичиш курси, шунингдек кўплаб тўгараклар ишлаб турибди. Айни пайтда 700 нафарга яқин мактаб ўқувчилари, ишчилар бу жойда ўз вақтларини кўнгилли ўтказишмоқда. Бадиий ҳаваскорлар корхона ва муассасаларда, шунингдек турли тадбирларда концерт программаларн намойиш қилишаяпти.

СУРАТДА: С. Андросова раҳбарлик қилаётган хор коллективи.

Киров районига бағишланган материалларни «Тошкент оқшоми» мухбири С. ШОДИЕВ тайёрлаган. Х. Мирзакаримов фотолари.

Турфа олам

МУСИҚАГА ИХЛОС

Франциянинг Ромийн-Сюр-Сен шаҳрида истиқомат қилувчи 41 ёшли Рене Гролье аккордеонда узлуксиз куй ижро этиш бўйича янги жаҳон рекордини ўрнатди. Ана шу рекорд вақт эндиликда 224 соату 38 минутга тенг. Кристиан Дюфан ўрнатган аввалги рекорд саккиз соатдан зиёдроққа ортда қолдирилди.

Р. Грольенинг яхшигина жисмоний тайёргарликни талаб қилган ана шундай жиддий синовга жазм этишига мусиқага бўлган ихлоси ёрдам берди. Янги рекордчи департаментдаги таниқли оркестрларнинг бирига раҳбарлик қилади, аккордеон унинг энг севимли чолғу асбоби бўлиб, у ўзининг бутун бўш вақтини ана шу чолғу асбобида куй ижро этишга бағишлайди.

Музикали марафон мобайнида Р. Гролье турли композиторларнинг асарларидан мингга яқин парчаларни ижро этганини қўшимча қилиш қолади, холос. Айни вақтда синовда ҳозир бўлган медикларнинг тасдиқлашига қараганда, бирор марта ҳам уларнинг ёрдами керак бўлмаган.

СОҚОЛ ОРАСИҒА ЯШИРИЛГАН... ОЛТИНЛАР

Рейс билан Коломбодан келган самолёт пассажирларини кўздан кечирган Мадрас божхонаси ходимлари (Тамилнаду штати) 13 нафар контрабандачини қўлга туширдилар. Божхона декларациясида қайд этилмаган олтинлар... пассажирларнинг қалин соқоллари орасидан топилди. Омади келмаган контрабандачиларнинг мўйлари орасидан жами вазни 3 килограммга тенг 26 та қуйма олтин ва 13 та олтин пластинкалари олинди. Жиноятчилар синчиклаб кўрикдан ўтказилгандан кейин, уларнинг бир қисмини ошқозонларидаги олтинни олиш учун маҳаллий касалхоналардан бирига йўллашга тўғри келди.

ИТОАТСИЗЛИК УЧУН ЖАЗО

Туркиялик кўпгина эркаклар эрига итоат қилишдан бош тортган хотинларни калтаклаш лозим, деб ҳисоблайдилар. Анқарадаги Хўжатепа университети ўтказган жамоатчилик фикрини билиш натижаларининг бу ерда эълон қилинган маълумотларидан ана шундай хулоса чиқарилади. Олинган маълумотларга қараганда, саволга тутилган 6500 оиланинг 45 фоиз эркаги умр йўлдошлари итоат этмаган ҳолларда ҳеч иккиланмай уларни калтаклашларини маълум қилган, 62 фоизи эса аёл киши эрига гап-сўзсиз итоат этиши лозим, деб ҳисоблайди.

Турк аёллари йигирманчи йилларда, турк республикасининг асосчиси Отатурк қатор илғор ислоҳотларни ҳаётга жорий этганидан сўнг эркаклар билан тенг ҳуқуқликка эришган эдилар. Хотин-қизларнинг социал-иқтисодий жиҳатдан озод қилинишига маълум даражада ислом қонунлари тўсқинлик қилаяпти. Туркия аристократик давлат деб эълон қилинганидан сўнг улар бирмунча ўз кучини йўқотди, Аммо сўнгги вақтларда руҳоний экстремистлар қайтадан турк аёлларига қотиб қолган анъаналарни тиқиштиришга уринмоқдалар.

ПОЛИЦИЯЧИЛАР БОШИНИ ҚОТИРГАН ҚЎНҒИРОҚ

Американинг Линкольн шаҳри (Небраска штати) полиция участкаларидан бирида телефон қўнғироғи жирингларди, аммо трубкани кўтарган навбатчи ит ғингшиши ва акиллашидан бошқа ҳеч нарсани эшитгани йўқ. Кимдир ҳақоратомуз ҳазил қилаяпти, деб ўйлаган полициячи қўнғироқ қилинган уйнинг адресини аниқлаб, ўша ерга полициячилар нарядини жўнатди.

Эшик қўнғироғининг овозига ҳеч ким жавоб бермади, аммо уйда қандайдир ҳаракат бўлаётгани сезилиб турарди. Эшикни очқич билан очиб, тайёр тўппончалари билан хонага бостириб кирган полициячилар кнопкали телефон билан ўйнаётган бульдог ит ва унинг икки боласидан бошқа ҳеч кимни топишолмади. Полиция участкасининг номерини улар қандай қилиб теришганини ҳеч ким изоҳлаб беролмади. Шунга қарамай, орадан бир неча минут ўтгач етиб келган квартира эгаси полициячиларга «итлар билан тушунтириш ишларини олиб бораман, бундай бемазагарчилик бошқа такрорланмайди», деб ваъда берди.

« К в а н т »

КОМПЬЮТЕР ТАЪМИНОТИ БИЛАН БОҒЛИҚ БАРЧА МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТАДИ

«КВАНТ» ҚООПЕРАТИВИ

1 ВМ РСХТ (АТ, Р 2/ЕС 1840, 1841, 1842, «Искра 1030», «Роботрон СМ 1834»), Синклер типидаги шахсий компьютерлар учун программаларни:

интеграллашган системаларни;

текстли редакторлар ва процессорларни;

ихтисослаштирилган ахборот системаларини;

график системаларни;

мулоқотни ташкил этиш воситаларини;

системали программаларни;

программалаштириш тилларини;

32 КБайгали 03У К565 РУ5 Д1 микросхемаларини **ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

Кооператив адреси: Тошкент шаҳри, XXIII партия съезди кўчаси, 7-уй (Пионерлар уйи биносида, ҳовлидан кирилади).

72, 6, 48, 110, 23, 15, 154-автобусларнинг «Дубовая» бекати.

«КВАНТ» КООПЕРАТИВИ.

Бўш шиша идишларни магазинга қайтаринг

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ МАГАЗИНЛАРИ ҚОШИДАГИ МАХСУС ПУНКТЛАРДА БЎШ ШИША ИДИШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

10-магазин — Марказ-14, 7-уй — иш соатлари 8 дан 20 гача, танаффус — 13 дан 14 гача, дам олиш куни — душанба;

12-магазин — Архитектурная кўчаси («Узбекзолото» бирлашмаси ёнида) — иш соатлари 9 дан 18 гача, танаффус 13 дан 14 гача, дам олиш куни — душанба;

20-магазин — Марказ-13, Абай кўчаси, иш соатлари — 9 дан 19 гача, танаффус — 13 дан 14 гача, дам олиш куни — душанба;

22-магазин — Уйғур кўчаси, 484-уй — иш соатлари 9 дан 20 гача, танаффус — 14 дан 15 гача, дам олиш куни — душанба;

27-магазин — Навоий кўчаси, 27-уй — иш соатлари 8 дан 18 гача, танаффус 14 дан 15 гача, дам олиш куни — якшанба;

31-магазин — Оқтепа майдони, 9-уй — иш соатлари 9 дан 18 гача, танаффус 14 дан 15 гача, дам олиш куни — душанба;

28-магазин — Қалинин массиви — иш соатлари 9 дан 19 гача, танаффус — 13 дан 14 гача, дам олиш куни — якшанба.

Бундан ташқари, шанба ва якшанба кунлари соат 10 дан 16 гача йирик турар жой массивлари территориясида (10, 12, 20-магазинларга қарашли) **аҳолидан шиша идишлар йиғиш машиналари қатнайди.**

ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

ҚАСБ ТАНЛАЙМИЗ

«Сергели» универсами таклиф қилади

«СЕРГЕЛИ» УНИВЕРСАМИНИНГ МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЁШИ 30 ГАЧА БЎЛГАН, ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. **Тошкент шаҳрининг прописканси бўлиши шарт.**

Ўқиш вақти 6 ой.

Ҳар ойда 63 сўм стипендия берилади.

Битирувчиларга кичик сотувчи малакаси берилади ва улар Сергели райпишчеторгига қарашли магазинларда иш билан таъминланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: директор номига ариза, аттестат ёки маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, меҳнат дафтарчаси (агар бўлса), паспорт, иккита 3х4 см, иккита 6х9 см. катталигидаги фотосурат.

Адрес: Тошкент, «Сергели—2» массиви. Транспорт: 58, 75, 86, 40, 98, 99, 104-автобуслар; 19-троллейбуснинг «Сергели» савдо маркази» бекати.

Телефон 58-91-66.

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

Автоҳаваскорлар диққатига!

СИЗГА ҚУШИМЧА ИШ КЕРАКМИ? — УНДАЙ БЎЛСА «ЭКСПРЕСС»ГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

«УзАВТОТЕХОБСЛУЖИВАНИЕ» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «ЭКСПРЕСС» АВТОКООПЕРАТИВИ автомашина эгаларини асосий ишдан бўш вақтларда йўловчиларни ташиш бўйича

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Кооперативда ишлайдиган кишиларнинг автомашиналарига Оқтепа майдони, Гэсовская кўчаси, 1-уйда жойлашган яхши жиҳозланган техника хизмати кўрсатиш пунктида навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.

Кооператив адреси: 700090, Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 46/1-уй. Телефон 55-87-12.

«ЭКСПРЕСС» АВТОКООПЕРАТИВИ.

«ЁШЛИК» ЁШЛАР ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИЖОДИЙ МАРКАЗИ

МАЛАКАЛИ ЕРДАМГА МУҲТОЖ БАРЧАНИНГ ХИЗМАТИГА ТАЙЁР!

Биз сизга ҳар қандай илмий-техникавий, ишлаб чиқариш ва инженерлик вазифаларини ҳал этишда ёрдам берамиз.

БИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ СИЗНИ БАРЧА МУАММОЛАРДАН ХАЛОС ЭТАДИ!

МАРКАЗ ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, лойиҳа-қидирув ишларини олиб бориш;

ташкилотларни ижара пудратига ўтказиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва кўрсаткичлар ҳисоб-китобини қилиш;

тажриба тариқасидаги саноат ишлаб чиқаришини, қўшма корхоналарни ташкил этиш;

илмий-техника ва тажриба-конструкторлик ечимларини яратиш, етказиб бериш ва нусхасини кўпайтириш;

ўлчов техникаси воситаларини тайёрлаш, монтаж қилиш ва созлаш;

ҳисоблаш техникасига хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш;

ихтироларга ариза бериш, ижобий қарор қабул қилинганидан сўнг ҳақ тўланади;

илмий-техника адабиётларини таржима қилиш ва мавзулар бўйича библиографик справкалар ва обзорлар тайёрлаш;

етакчи олим ва мутахассисларнинг маслаҳатини уюштириш.

НТТМ ЁШЛИК ТАШКЕНТСКИЙ ОБЛАСТНОЙ ЦЕНТР НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКОГО ТВОРЧЕСТВА МОЛОДЕЖИ

«ЁШЛИК» МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК — БУ:

энг кўп иш ҳақи фонди (70 фоиз) ва қўшимча 3 фоиз мукофот;

энг кам (3 фоиз) устама харажатлар;

юқори малакали ёрдам, буюртмалар энг қисқа муддатларда бажарилади ва натижаларига тўла кафолат берилади, деган гап.

Ўзингизни қизиқтирган саволлар, ҳамкорликнинг жоиз бўлган кўринишларини муҳокама қилиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат этинг: 700017, Тошкент, Чехов кўчаси, Черников тупиги, 15-уй. Телефон 33-29-35.

«Ёшлик» — сизнинг келажакдаги ишончли шеригингиз!

«ЁШЛИК» — СИЗГА АЙНИ КЕРАК МАРКАЗДИР!

«Ёшлик» ёшлар илмий-техника ижоди марказининг хўжалик ҳисобидаги Тошкент область мувофиқлаштириш маркази.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси

«Дўзах»даги сеанс

1926 йили Москвада австралиялик шахмат мастери, ҳажвчи-ёзувчи И. Крейчкнинг «Канссанинг 13 фарзанди» номли кичик тўплами босилиб чиққан эди. Шу асардаги кичик бир ҳажвияни эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

Янги йил бошланди. Черков қўнғироғи буни бутун оламга ёйди. Ҳамма деразалар ёп-ёруғ, одамларнинг дили равшан эди. Орзу-умидларининг чегараси йўқ — Бильгер вариантларидек беҳисоб эди.

Арвоҳим аллақачон арши аълони кезарди. Мен узоқ вақт жуда қийналиб, ниҳоят жон бердим. Бир ёқда янги йил кириб турса-ю, иккинчи ёқда оёқ-қўлни қиблага қилиб турсанг-а! Бундан ҳам хунуги борми дунёда. Табиатим хира бўлиб, устимни оппоқ пўстиндек қоплаган қорни пуфладим. Совуқдан қалтирардим.

Мен яхлит қора бриллиантдан иборат улкан тоғ олдида тўхтадим-да, катта пештоқни завқ билан томоша қила бошладим. Қора дарахтдан ясалиб, атрофи кумуш билан қопланган тахтадаги ёзувга кўзим тушди: «Мендан қадимийси фақат худонинг ўзи, абадул-абадман. Кирувчилар умидини узсин». Дўстим Дантенинг таърифига кўра, бу дўзахнинг ўзгинаси эди. Маҳкум этилган жойимга келганимни кўриб, эшикни қаттиқ тақиллатдим.

Оҳиста қадам товуши кела бошлади. Кичкинагина қоп-қора одам дарвозани очди. У ҳар қадамда икки букилиб йўлаклар орқали озода, ёп-ёруғ катта залга олиб кирди. Ҳаммаёқ қип-қизил Рўпарамдаги ўн қатор қилиб қўйилган юзта столнинг ҳаммасида шахмат тахтаси терилганини кўриб, ҳангманг бўлиб қолдим. Тахталарга энгашиб қандайдир ҳаёлий одамлар ўтирардилар. Тилла тахтда дўзах ҳукмдорининг ўзи. Мени кўрди-ю, тиржайиб қўйди.

У ишора қилиши билан мусиқа садолари янгради. Хипчабел раққосалар столлар атрофида товуслек товланардилар. Бундан бошим гир айлана бошлади. Ниҳоят, ўзимни қўлга олдим. Нима қилишим кераклиги менга аён эди. Дўзахнинг юзта энг кучли шахматчисига қарши бир йўла сеанс беришим даркор.

Орадан бир оз вақт ўтиши биланоқ жанг авжига чиқиб кетди. Ҳамма учрашувда мен қизил доналарда ўйнардим (дўзахда оқ деган нарса бўлмайди). Ҳурматли рақибларимга келганда, уларни кўриб таажжубдан ёқамни ушлаб қолдим. Наполеон, Гёте, Нельсон, Екатерина II, папаларнинг ҳаммаси шу ерда; қисқаси — қаршимда турли соҳа даҳолари.

Фақат машҳур шахмат усталарининг таниш башараларини кўрмасдим ҳеч қаерда. Менинг оддий саволимга: «У дунёда ортиқча гуноҳ қилмаган усталарга дўзахнинг ўти ҳаром», деб жавоб беришди. Лекин Котц, Тарраш ва Марколар айни дўзахбоп эдилар-у, афсуски, ҳозирча тирик-да улар. Сеансга мутасаддилик қилаётган шайтоннинг башарасидан уларнинг йўқлигига ачинаётгани кўриниб турарди.

Ўйин давом этарди. Ҳамма тахталарда жанг шиддатли тус олди. Лекин бир вақтлар жаҳонни ларзага келтирган рақибларим бефаҳмларча тахтага тикилардилар. Ўйинлар бирин-кетин менинг фойдамга ҳал бўлиб борарди. Охири рўпарамда уч киши қолди, холос. Уччови ҳам ажабтовур кишилар!

Мана, бирининг сочлари жингалак, қоп-қора кўзлари ёниб турибди. Лекин хиёл тортиняпти. Кўринишидан артистнинг ўзи. Яқинроқ бориб кўрдиму, унинг Дон-Жуандан ўзга киши эмаслигига ишондим. У баъзан салгина энгашган ҳолда тахтага ўткир назар ташлаб қўярди-да, бошқа вақтда гўзал раққосалардан кўз узмасди.

Унинг ёнида чеҳраси очиқ, кўзлари ўткир, босиқ табиат иккинчи ҳарифим ўтирарди. Асл мутафаккирнинг ўзгинаси! Ҳар бир юриш олдидан у ҳамма вариантларни эринмай ҳисобларди. Бу Гёте қиёфасидаги Фауст эди. Мен узоқ вақтгача ундан кўзимни узолмадим. Ҳа, менинг учинчи ҳарифим ҳам бор эди. Энг хавфлиси ҳам ўшадек туюларди. Унинг қалин қошлари остидаги кичкина кўзлари ўйнаб турарди: тахтага тикилгани тикилган. Уни ҳам танидим. Бу Агасфер — Жуҳут Қоимий* эди. Зап ажиб шахсда. Гениал Граббе бўлганда, унга хўп ёқарди-да ҳозир.

Мусиқа садолари аста тинди. Раққосалар чарчаб, мулойим гиламга ястандилар. Мен бўлсам ҳалиям у тахтадан бу тахтага бориб келиб турардим. Ўйин сира тугамайдигандек туюлар, қолган учрашувларнинг ҳаммасида ҳам аҳволим оғирлашмоқда эди. Дон-Жуаннинг олдига келганимда у гўзал раққосага бир нигоҳ ташлади-да, назар писанд қилмай навбатдаги юришини қилди.



1... Ф а 4. У «қалайсиз» дегандек кулимсираб турарди. Шу пайт мен қаттиқ овоз билан: «Беш юришда мотсиз», дедим. 2. Ф:h7+! Кр:h7 3. Кg5+Крh6 4. Кg7+Крh7 5. fg+Лig6 6. С:g6Х.

Ҳамма бизни ўраб олди. Фақат Фауст жим, ўтирар, бизга эътибор бермас эди. Дон-Жуан ҳеч нарса бўлмагандек доналарни йиғиштириб ўрнидан турди-да, бояги раққосанинг ёнига бориб ўтирди. Мен бўлсам иккинчи тахтага яқинлашдим.

— Қилични ялангочланг, доктор! — деб қийқирди ҳарифимнинг орқасида турган Мефистофель. Мен кулдим-у, ҳамма эшитадиган қилиб:

— Саккиз юришда мот,— дедим.

1. Ф:h7+Кр:h7 2. С:е6+ Крg6 3. f5+Крg5 4. f4+Крg4 5. Кf2+Крf3 6. Лh3+Крg2 7. С:d5+ Крg1 8. ЛhlХ.



Ҳамма таажжубда. Фауст ўрнидан турди-да шахдам қадам ташлаб, залдан чиқиб кетди.

Юзта ҳарифдан фақат биттаси қолди, бошқалари енгилган эди. Қани энди Жуҳут Қоимийга кишти қоим қилсам, деб таңгрига илтижо қилардим. Ниҳоят, мен қулайроқ вазнятга эга бўлган, ҳал қилувчи ҳужумга ўтиш режасини тузмоқда эдим. Ҳамманинг диққат-эътибори менда эди. Шу пайт фикрим ёришиб кетди. Қаттиқ: «Ўн бир юришда мотсиз!» дедим.

1. Л:h7+Кр:h7 2. Лh2+ Крg6 3. Ке5+Крf5 4. g4+ Кр:е5 5. Ле2+Крd4 6.Се3+ Крс3 7. Сd2+Крс2 8. Сf4+ Кра3 9. Се5+Крb4 10.Кd3 +Кра3 11. Сb2Х



Карнайлар чалинди. Қоимий ҳам жойини топди. Бир зумда манзара ўзгарди. Олов қуршовида қолдим, деворлар ларзага келди. Дўзахдан ўқдек отилиб чиқиб кетдим: сон-саноқсиз юлдузлар менга нур сочиб турарди. Қаттиқ, гумбурлаган овоз эшитилар, олам худди остин-устун бўлиб кетаётгандек эди.

Кўзимни ишқалашга аранг кучим етди. Ажабтовур туш ҳам тугади. Янги йилим бошланди. Тезда кийиндим-да, веналикларнинг янги йил одатларига кўра ўзимни биринчи галда маишатга урдим...

М. МУҲИДДИНОВ таржимаси.

*Бильгер — шахмат дебютлари назарияси бўйича машҳур қўлланманинг муаллифи.

* Исо пайғамбарни бутга тортишда кўмаклашмагани учун Агасферга абадий, яъни Жуҳут Қоимий лақаби берилган.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

СОВЕТ МАДАНИЯТ ФОНДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БЎЛИМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

14—15 ИЮНЬ СОАТ 20.00 ДА

Ўзбекистон ССР халқ артисти ЮСУФЖОН ҚИЗИҚ ШАКАРЖОНОВНИНГ хотирасига бағишланган

«Кулинг дўстлар! Умрингиз узоқ бўлади»

НОМЛИ КЕЧА ЎТКАЗИЛАДИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

СССР ХАЛҚ АРТИСТЛАРИ;
ТАМАРАХОНИМ, НАБИ РАҲИМОВ

Ўзбекистон ССР халқ артистлари:

ҒАНИЖОН ТОШМАТОВ, ГАВҲАР РАҲИМОВА

Республикада хизмат кўрсатган артист:

РУСТАМ ҲАМРОҚУЛОВ

артист: МАНЗУРА АЛИЕВА;

ЙЎЛДОШХОН НОСИРОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ ҚУҚОНЛИК АСКИЯЧИЛАР КЛУБИ

АБДУЛҲАЙ МАХСУМ ҚОЗОҚОВ БОШЧИЛИГИДА АНДИЖОНЛИК АСКИЯЧИЛАР

ЮСУФЖОН ҚИЗИҚ НОМЛИ НАМАНГАН ҲАЖВ ВА ҲАЗИЛ ТЕАТРИ

ЗАЙНОБИДДИН ЮСУПОВ БОШЧИЛИГИДАГИ МАРҒИЛОНЛИК АСКИЯЧИЛАР

Ўзбекистон ССР халқ артисти

ҒУЛОМЖОН ЁҚУБОВ АБУЛҚОСИМ ВА ЭРКИН ТУЙЧИЕВЛАР ИШТИРОКИ БИЛАН ТОШКЕНТЛИК АСКИЯЧИЛАР

Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Билетларни соат 14.00 дан бошлаб В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларидан сотиб олишингиз мумкин.

Справкалар учун телефонлар: 39-41-46, 39-42-68.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

28-«ДРУЖБА» МАГАЗИНИ

10—30 июнь кунлари

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР НАШРИЁТЛАРИДА ЧОП ЭТИЛГАН

НОТАЛАР САВДО-КУРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Бу ерда музика мактабларининг ўқитувчилари, консерватория студентлари ва музика ўқитувчилари ўзларига зарур бўлган ноталарни харид қилишлари мумкин.

Кўргазмага скрипка, фортепиано, виолончель, духовой музика асбоблари учун ноталар ва музика адабиётлари, шунингдек, симфоник асарлар ва операларнинг партитуралари кенг кўламда қўйилади.

Магазиннинг ишлаш вақтини эслатиб ўтамиз — соат 10 дан 19.00 гача; танаффус — соат 14 дан 15.00 гача, магазин дам олиш кунисиз ишлайди.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 40-уй. Телефон: —56-44-40.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ.

В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводи базасидаги

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989-1990 ўқув йили учун

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

ҚИЗЛАР УЧУН: ярим ўтказгичли приборлар ва интеграл микросхемаларни йиғувчилар, электрон саноат приборларини синовчилар, электрон саноат техника контроли бўлими контролёрлари;

ЙИГИТЛАР УЧУН: технологик ускуналарни созловчилар, радиоэлектрон аппаратураларнинг монтажчилари, кенг профилдаги станокчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ КАЛИНИН, ОРЖОНИКИДЗЕ ВА ЯНГИЙЎЛ РАЙОНЛАРИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ ПРИБОРЛАР ВА ИНТЕГРАЛ МИКРОСХЕМАЛАРНИ ЙИҒУВЧИ, ЭЛЕКТРОН САНОАТ ТЕХНИКА КОНТРОЛИ БЎЛИМИ КОНТРОЛЁРИ, ЭЛЕКТРОН САНОАТ ПРИБОРЛАРИНИ СИНОВЧИ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР УЧУН ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Бу группалардаги ўқувчи қизлар ҳар ойда 77 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар. Ўқишни битирганларга эгаллаган касби бўйича малака олганлиги тўғрисида диплом берилади.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Ўқишни битирганларга ўрта маълумот олганлиги ва эгаллаган касби бўйича малака берилганлиги тўғрисидаги диплом берилади.

Ўқувчилар ўқиш даврида ҳар куни 3 маҳал бепул овқат билан, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процента билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юрти ўқувчиларни информация ва ҳисоблаш техникаси фани бўйича ўқитиш «КУВТ-86» ҳисоблаш машинасига, спорт базасига эга. Вокал-чолғу ансамбли, самбо секцияси, радио ва техника ижодкорлиги тўгараклари ишлайди.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, 086/У формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 8 дона фотосурат (4 та 3х4 см. ва 4 та 4х5 см. ҳажмида), отаонасининг иш жойидан справка.

Билим юртини битирганлар база корхонасига ишга юборилади.

Мурожаат учун адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, «Весна» кўчаси, 17-уй (5, 12, 26, 69 «э», 183-автобусларнинг «Ўзбум», 1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекатлари). Телефон — 91-14-51.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/VI да **Севилья сартароши**, 9/VI да **Тўмарис**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/VI да **Нурхон**, 9/VI да **Концерт**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—8, 9/VI да «ЎЗБЕКИСТОН МАЛИКАСИ—89» **1-Республика гўзаллик конкурси** (19.30).

Кино

8 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи—«ИШҚ ЛАҲЗАСИ» (катта зал, 17, 20.00); «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (ўзбек тилида, 18.30, 20.40).

Чайка — «КАЛХАТЛАР ЎЛЖАСИНИ УЛАШМАЙДИЛАР» (18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги —«ЯККА ЎЗИ» (18, 20.00); «НИМА, СИЗГА ҲОКИМИЯТИМИЗ ЁҚМАЙДИМИ» (21.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ТИМСОҲ ДАНДИ-II» (17, 20.00).

Нукус — «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

Қозоғистон — «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (18, 20.00).

К. Ёрматов номли — «ТИМСОҲ ЛАҚАБЛИ ДАНДИ» (тоқ соатларда).

Восток — «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (18.30, 21.00).

Лисунов номли—«ТИМСОҲ ДАНДИ-II» (18.30, 21.00).

Фестиваль (ёзги) — «ПОЛКОВНИК РЕДЛЬ» (22.00).

Хива (ёзги) — «ҚОЧОҚЛАР» (22.00).

9 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ИШҚ ЛАҲЗАСИ» (катта зал, 11, 14, 17, 20.00); «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (ўзбек тилида, 11, 13, 16, 18.30, 20.40).

Чайка — «КАЛХАТЛАР ЎЛЖАСИНИ УЛАШМАЙДИЛАР» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЯККА ЎЗИ» (12, 16, 18, 20.00); «НИМА, СИЗГА ҲОКИМИЯТИМИЗ ЁҚМАЙДИМИ?» (14, 21.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ТИМСОҲ ДАНДИ-II» (11, 14, 17, 20.00).

Нукус — «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

Қозоғистон — «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (11, 12, 13, 14, 16, 17, 18, 19, 20.00).

К. Ёрматов номли — «ТИМСОҲ ЛАҚАБЛИ ДАНДИ» (тоқ соатларда).

Восток — «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Лисунов номли — «ТИМСОҲ ДАНДИ-II» (11, 13.30, 16, 18.30 ,21.00).

Фестиваль (ёзги) — «ПОЛКОВНИК РЕДЛЬ» (22.00).

Хива (ёзги) — «ҚОЧОҚЛАР» (22.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — 53-65-87

М. Шайхзода номли — 42-39-74

Ҳамза номли — 91-10-51

Нукус — 46-70-69

Искра — 39-14-59

Тинчлик — 58-34-88.

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов районидаги 236-ўрта мактаб томонидан **Иноғомов Аҳмам Озотович** номига берилган Б-320661 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Куйбишев районидаги 209-ўрта мактаб томонидан **Ишанходжаев Шавкат Талатович** номига берилган Б-313830 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Қ. М. Рафиқовга акаси

Ҳамидулла Мирсоатович РАФИҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тажриба-эксперимент заводи қошидаги автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникасининг махсус лойиҳа-конструкторлик бюроси коллективи конструкторлик бўлими бошлиғи Б. Каримовга синглиси

Моҳира МАҲМУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми

Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона—32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши—32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги —32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Яншанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р—?9737. Ички саҳифаларга 19.00 да қўл қўйилган. [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. Б. 3001. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10